



<https://interscience.uz/>

ISSN 2181-1709 (P)

ISSN 2181-1717 (E)

2022/№3

**ТАЪЛИМ ВА
ИННОВАЦИОН
ТАДҚИҚОТЛАР**

**ОБРАЗОВАНИЕ И
ИННОВАЦИОННЫЕ
ИССЛЕДОВАНИЯ**

**EDUCATION AND
INNOVATIVE
RESEARCH**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND METHODOLOGICAL
JOURNAL

**ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИОН ТАДҚИҚОТЛАР
ОБРАЗОВАНИЕ И ИННОВАЦИОННЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
EDUCATION AND INNOVATIVE RESEARCH**



№ 3, 2022
март

<p>Муассис: Бухоро давлат университети Фан ва таълим МЧЖ</p> <p>Бош муҳаррир: Маъмуров Баходир Бахшуллаевич</p> <p>Жамоатчилик кенгаши раиси: Хамидов Обиджон Хафизович, Бухоро давлат университети ректори</p> <p>Таҳририят кенгаши раиси: Махмудов Мэлс Ҳасанович</p> <p>Масъул котиб: Акрамова Гулбахор Ренатовна</p> <p>Техник муҳаррир: Давронов Исмоил Эргашевич</p> <p>Таҳририят манзили: Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 16-уй</p> <p>Телефон: +998(90)744-00-22</p> <p>E-mail: eirjurnal2020@gmail.com</p> <p>Журналнинг электрон сайти: www.interscience.uz</p> <p>Журнал ОАК Раёсатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 306/6-сон Қарори билан ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ, ФИЛОЛОГИЯ, ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган</p> <p>Босишга рухсат этилди: 30.03.2022 й. Қоғоз бичими 60x84 1/8. б/т.12,5. Буюртма рақами 12 «FAN VA TA'LIM» нашриётида чоп этилди. Бухоро шаҳар</p> <p>Журнал 28.07.2021 йилда 9305 рақами билан Ўзбекистон Омма- вий ахборот воситалари давлат рўйхатидан ўтган</p> <p>Журнал 2020 йилда ташкил топди ва 2 ойда 1 марта чоп этилди. 2021 йил ноябрь ойидан бошлаб хар ойда 1 марта ўзбек, рус ва англис тилларида чоп этилади</p> <p>«Таълим ва инновацион тадқиқотлар» халқаро илмий-ме- тодик журналдан кўчириб босиш таҳририятнинг розилиги билан амалга оширилади</p> <p>Мақолада келтирилган фактларнинг тўғрилиги учун муаллиф масъулдир</p>	07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ	
	Иноятов С. И., Арипова Х. А. Абу Райхан Беруни как представитель первого Восточ- ного Ренессанса	7
	Джураев Ҳ. Х. Китобсевар Шарифжон Махдум Садр Зиё ва Бухоро инқилобида олиб кетилган қўлёзма китоблар тарихи	14
	Рашидов Ш. Т. Ўзбекистон ССР сиёсий элитаси фаолиятининг хорижий тадқи- қотларда ёритилиши	20
	10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
	Насруллаева Г. Антропоморфемик метафоралар луғатини тузиш мезонларига доир мулоҳа- залар	25
	Акрамова С. Р. Метафорик маъно ва образлар- ни тасвирлашда Жамол Камол маҳорати	29
	Jumayev R. X. Sadridin Ayniyning “Esdaliklar” asarida antroponimlarning leksik qatlamlari	34
	Begimova G. J. Leksik-semantik sath va uning birligi masalalari talqini	38
	Жўраева Н. Ш. Кўп тилли параллел корпуслар хусусида	42
	Saidova Z. S. O`zbek tili fe`llarining o`rganilish tarixi	47
	13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
	Маджидова Р.У., Мухитдинова Х. С. Хориж- ликлар учун ўзбек тилидан мультимедиа маҳсулотларини яратиш тажрибасидан	51
Махмудов А. Х. Докторантларнинг илмий фаолият рейтингини тизимининг дидактик жиҳатлари	55	
Каримова Г. Қ. Ўзбек халқ оғзаки ижоди воситасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш технологияси	59	
Шаумарова З. А. Оила – ёшлар тарбиясида муҳим маскан	63	
Аскарлов А. Д. Олий таълим муассасасида таълим сифати мониторингини такомил- лаштиришнинг айрим жиҳатлари	68	
Yunusova D. Mf. Application of interactive methods in studying medical terminology in practical lessons of the english language	78	
Abdullayev Q. F., Bobomurodova N. J. Didaktik ta`lim vositalari talim jarayoni samaradorligini ta`minlash omili sifatida	82	

Умарова С. М. Муҳаммад Авфий Бухорий ҳикоятларининг педагогик таснифи ва улардан замонавий ёшлар тарбиясида фойдаланиш	88
Охунов I. A. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda ijtimoiy ongning rivojlantirishning pedagogik shartlari	93
Komilova F. M. O'quvchilarda tashkilotchilik sifatlarini shakllantirish imkoniyatlari	97
Xamalova F. Yu. Maktab o'qituvchilarining innovatsion faoliyatini rivojlantirish	102
Raximova G. B. Axborotlashgan jamiyatta o'quvchilarni axborotlar bilan ishlash kunduzligini tarbiyalash yo'llari	107
Hakimova M. H. Tabiiy fanlarni o'rgatishda maktabgacha va boshlang'ich ta'lim tizimida uzviylik	112
Умаров Б. Ж. Возможности использования наследия восточных великих мыслителей в формировании нового мировоззрения у молодежи	116
Mo'minova D. K. Bo'lajak "Texnologiya" fani o'qituvchilarining raqamlashtirish ta'lim muhitida ishlash bo'yicha muhim kasbiy sifatlarini shakllantirishning pedagogik sharoitlari	121
Atoev F. S. Ta'limni axborotlashtirish, o'quv jarayoni samaradorligini oshirish vositasi	127
Rashidov A. Sh. Ta'lim tizimida smart-auditoriyadan foydalanib o'quv mashg'ulotlari samaradorligini oshirish	134
Abdullayeva B. Bolalar bog'chasida futbol o'qitish metodikasi	138
Abdullayev F. Boksda mashg'ulotning tashkil etilishi va metodikasi asoslari	142
Пардаев Б. Ў. Бошланғич синф ўқувчилари ижтимоийлашувини ривожлантиришда педагогик қўллаб-қувватлаш тизими	147
Yusupova F. M. "Pedagogik kompetensiya" va uni bo'lajak o'qituvchilarda shakllantirish	154
Toshtemirova S. A. Ta'lim klasteri faoliyatida ochiq ta'lim kontentining zarurati	158
Baybayeva M. X. Bo'lajak redagolarda deontologik madaniyatni shakllantirish imkoniyatlari	163
Islomov N. N. Talabalarda ijtimoiy faollikni rivojlantirishning nazariy asoslari	168
Munirov N. A. Zamonaviy yondashuvlar asosida umumiy o'rta ta'lim maktablarida kurash darslarini tashkil etish	173
Пўлатова М. Э. Бошланғич синф ўқитувчиларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш жараёнининг педагогик имкониятлари	179
Носирова Б. Т. Модернизация жараёнида рус тили фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мезонлари	183
Маллаева О. М. Умумтаълим мактаб инглиз тили ўқитувчилари малакасини ошириш механизмларини индивидуал ёндашув асосида такомиллаштириш	188

Jalilov Sh. I. Musiqa san'atidagi eng katta tarbiyaviy omil	193
Kushakova G. E. Oilada bolalarga iqtisodiy tarbiya berishning o'ziga xos xususiyatlari	196
Djurayeva B. A. Pedagogika oliy ta'lim muassasasi talabalarining mediakompetentligini interfaol metodlar asosida rivojlantirish	199
Alimov M. A. "Raqamli boshqarish tizimlari" fanini o'qitish jarayonida mobil texnologiyalardan foydalanish imkoniyatlari	202
Махмудова Д. М. Информатика дарсларида талабалар креатив фаолиятини ривожлантиришда муаммоли масалаларнинг аҳамияти	207
Nurullayev U. A. Ўқувчи-талабаларда тадқиқотчилик компетенцияларини шакллантириш методикаси	211
Ембергенова Г. Х Роль этнической традиции в возрождении духовной культуры народа	217
19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Расулов А. И., Касимова З. Х. Ўрта синф ўқувчилари билан ўқитувчилари ўзаро муносабатларида коммуникатив масофа хусусиятлари	223
Bafayev M. M. Bag'rikenglikning tarixiy-psixologik ildizlari	238
Nazirova G. K., Mirzayeva S. O'quvchilarda sog'lom turmush tarzini shakllantirishning pedagogik-psixologik tuzilishi	247
Ирисбоева Ё. У. Талабаларнинг болалар билан ўзаро муносабатга касбий педагогик тайёргарликларини такомиллаштириш	252
Nabiyeva F. M., Cho'liyeva N. S. O'quvchilarni estetik ruhda tarbiyalash mexanizmlari	255
08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Наврузова М. Х. Янги Ўзбекистон шароитида инвестиция лойиҳаларини кредитлаш муаммолари	259

ТАЛАБАЛАРНИНГ БОЛАЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТГА КАСБИЙ ПЕДАГОГИК ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШDOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2022.29.59.048>

Ирисбоева Ёқутхон Утбосаровна

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, мактабгача таълим факультети, мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси кафедраси катта уқитувчиси

Аннотация. Мақолада мактабгача таълим тизимида тарбиячиларнинг тарбияланувчиларга муносабати ва бўлажак педагогларга болалар билан ўзаро муносабатларни тизимли амалга ошириш кўникмаларини ривожлантириш орқали касбий фаолиятга тайёрлашнинг самарали йўллари келтирилган.

Калит сўзлар: мактабгача таълим таъминоти, бола, тарбияланувчи, касбий фаолият, компетенция.

Таълим жараёнида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун болаларда онгли фаолият кўрсатиш кўникмасини таркиб топтириш, уларни мустақил, ижодий фикрлашга ўргатиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, мактабгача синф болалари мураккаб, руҳий инкирозлар вужудга келадиган, юкори кувватга эга бўлган, шижоатли, янгиликка чанкок, оламни ўзлаштиришга интилувчан, мустақиллик ва мослашувчанликка мойил, хулқ-атворида ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши жадал суръат билан кечадиган бўладилар. Шунга кўра қуйидагиларнинг муҳимлиги кузатилмоқда:

- ўқитувчи билан болалар ҳамкорлигини мактабгача синфлардаёқ йўлга қўйишнинг зарурлиги;
- мактабгача синфларда ўқитувчи билан болалар ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қиладиган методларни қўллашнинг муҳимлиги;
- болаларга тақдим этиладиган ахборотлар ҳажмининг кенглиги ва уларни ўзлаштириш ўзаро ҳамкорлик ва фикр алмашилиши муҳитини тақозо қилиши;
- ўқитувчи билан болалар орасида дўстона ҳамкорликка асосланган муҳитнинг вужудга келиши ўқитувчи педагогик фаолиятининг таркибий қисмига айланиши зарурлиги;
- болалар ва ўқитувчилар муносабатларида анъанавий педагогик ёндашувларнинг сақланиб қолаётганлиги ва уни бартараф этиш эҳтиёжининг кучаяётганлиги;
- таълим жараёни самарадорлигини таъминлашда ўқитувчи билан болалар ҳамкорлигининг муҳимлиги;
- ўқитувчининг муомала одоби, назокати, шахслараро муомала мароми, болалар билан дўстона муносабатни ўрнатувчи муҳим омил эканлиги қабилар.

Аждодларимиз Баҳовуддин Нақшбандий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Бериунийларнинг педагогик меросида таълим жараёнидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу борадаги изланишларда ҳамкорликдаги фаолиятни ишлаб чиқариш жараёнининг ижтимоий психологик жиҳати нуктаи назаридан ўрганиш, яъни жамоадаги ижтимоий-психологик муаммоларни тадқиқ этишга урғу берилган. Демак, болага дўстона муносабатда бўлиш ғоялари Шарқ комусий олимлари назаридан четда қолмаган. Педагогик ҳамкорлик масаласининг самарадорлик жиҳатини аждодлар тажрибаси ҳам қафолатлайди. Бунга жадидларнинг янги услубдаги мактабларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик муаммосининг ижтимоий-психологик жиҳатлари ҳамкорликдаги фаолият кўриниши тарзида тадқиқ қилинган ва илмий жиҳатдан асосланган. Бу борадаги изланишларнинг айримлари ҳамкорликдаги фаолиятни ишлаб чиқариш жараёнининг ижтимоий-психология нуктаи назаридан ўрганиш, яъни жамоадаги

ижтимоий-психологик муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган.

В.М.Мясишевнинг қарашларида, шахс – ўзаро ҳамкорлик ва бошқалар билан муносабатнинг маҳсули сифатида намоён бўлиши таъкидланган. Ўтган XX асрнинг 80-90 йилларида ижтимоий-психология, меҳнат ва бошқарув психологияси соҳаларида ҳамкорлик фаолиятини амалга оширадиган гуруҳли фаолият муаммосини ўрганишга кизикиш бирмунча ўсди. Худди шу сабабли ҳам Б.Ф.Ломов индивидуал фаолият ўз-ўзидан бўлмади, балки жамият фаолияти билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади, деб таъкидлаган эди.

Б.Г.Ананьев, ҳамкорлик фаолиятининг муҳим омили ҳисобланган муомала маданиятига оид тадқиқотларида, ўқитувчининг баҳолаш ва таҳлил қилиш, тарбиячилик имконияти, болаларнинг ақлий ва ахлоқий ривожланишлари учун муҳим манба эканлиги алоҳида таъкидланган.

А.В.Петровский, шахслараро муносабатлар жамоадаги фаолиятдан келиб чиқишини ўрганган ҳолда, таълим жараёнида ўқитувчининг болалар билан ҳамкорлигини ташкил қилиш фақат уларнинг мулоқот, муомалага нисбатан эҳтиёжини қондириш воситаси эмас, балки ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳам муҳим шарти эканлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда юқорида таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки:

- ўқитувчи-бола орасидаги дўстона муносабат негизида ахборотларни тақдим этиш ва ўзлаштириш;

- мактабгача таълим жараёнида болалар орасида дўстона муҳитни шакллантириш билан боғлиқ педагогик шарт-шароитларни аниқлаш;

- мактабгача таълим жараёнида болалар орасида ҳамкорлик ва дўстона муносабатни шакллантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини излаш;

- мактабгача таълимда дўстона муносабатни ташкил этиш жараёнининг мазмуни, шакл, восита, усул ва методларини аниқлаш алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Педагогик ҳамкорлик, яъни синергетика янги тушунча сифатида педагогикага кириб келар экан, у бевосита фалсафа ва социология билан ҳам боғланади. Чунки, инсоннинг ҳамкорликдаги фаолияти муайян жамият ҳаёти билан боғлиқ тарзда амалга ошади. Бу шуни аниқладики, жамият ҳаётида инсон учун ҳамкорликда фаолият кўрсатиш қуввати билан бир қаторда, ҳамжихатликда ривожланиш имконияти ҳам мавжуд. Педагогик ҳамкорлик доирасида ўз қиёфасини ўзгартириш тушунчаси ҳам амал қилади. Агар янги ижтимоий давр шахснинг ўз-ўзини сақлаши, янги шароитга мослашиши ғоясига асосланса, замонавий шахс ўзининг янги моҳияти ва мавқеига асосланган ҳолда фаолият кўрсатади.

Ҳар қандай халқ маданий бойликларининг ёш авлод томонидан ўзлаштирилиши ўқитувчи билан болалар ҳамда фарзандлар билан ота-оналар орасидаги муносабатда амалга ошади. Бола мактабга қадам қўйгач, фаолиятнинг янги шакли бўлган ўқув ҳамкорлигига киришади. Шахсга йўналтирилган таълим тизимида ўқитувчи-ўқитувчи муносабатларининг ҳамкорликдаги ҳаракатларининг асосий предмети боланинг компетенциялари ва бу чегарадан ўтиш лаёқатларидир. Бола ўз шахсий имкониятлари чегарасидан ташқарига чиқишни ўрганар экан, аниқ педагогик вазиятларда ўқув қўникмаларини эгаллайди. Бундай вазиятда ўқитувчи катталарга хос бўлган ижтимоий-маданий мавқени эгаллайди, у болани ўқув фаолиятига олиб қиради. Педагог амалий ҳаракатларидан соф маданиятни ажратиб олиб, болаларга тақдим этади.

Болаларни ўзаро ҳамкорлик муҳитига олиб кириш учун уларни мактаб ҳаётига мослаштиришга хизмат қиладиган ўқув машғулотларини ташкил этиш талаб қилинади. мазкур машғулотларда болалар ўқитувчилар, атрофдаги катталар, тенгдошлари билан ҳамкорлик қилиш усулларини ўзлаштиришлари зарур.

Ўқув ҳамкорлиги уч йўналишда ривожланади:

1. Болалар билан ўқитувчилар ҳамда атрофдаги катта ёшлилар орасидаги ҳамкорлик;
2. Бола билан бола, тенгдошлар орасидаги ҳамкорлик;
3. Боланинг шахсий ҳамкорликка йўналтирилган фаолияти.

Болаларнинг ўз тенгдошлари ва ўқитувчилар билан ўзаро муносабатлари ҳамкорликдаги ўқитишнинг барча турлари учун хос бўлиб, у индивидуал ўқитиш имкониятларидан фарқланади. Ўқув ҳамкорлигининг индивидуал тизимида фронтал ўқитиш тизими ҳам амал килади. Индивидуал ёки ҳамкорликда ўқув фаолиятига киришиш йўлини танлаш боланинг рухий ривожланишида тенгдошларининг ўрни қай даражалигига боғлиқ. Катталарнинг мунтазам назорат қилишидан узоқлашиб, мустақиллик мавқеини эгаллаш учун улар биринчи навбатда ўз тенгдошлари билан ҳамкорликка киришишлари лозим.

Мақтабгача ёшдаги болаларда билиш кўникмаларини шакллантириш, ўқув мустақиллигини ҳосил қилиш муҳим масалалардан бири. Бундай мақсадга йўналтирилган ўқув ҳамкорлигини ташкил этиш асосларини ишлаб чиқиш учун, биринчи навбатда, ўқув жараёни субъектини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Чунки ўқув жараёни субъектлари ўқиш лаёқатлари, ҳаракат усулларини эгаллашга мойил бўлиб, ҳамкорликдаги ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Бунинг учун ўқитувчилар қўйилган педагогик вазиятларни ечиш усулларини яхши билишлари лозим.

Бундай усуллардан бири ижобий мазмундаги зиддиятларни ҳосил қилишдир. Болаларни турли-туман нуқтаи назарларни қабул қилиш ва мувофиқлаштиришга ўргатиш уларни ҳамкорлик муҳитига олиб киришнинг муҳим шартидир. Болаларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолияти улар орасида алоҳида операцияларни тақсимлашни аниқлатмайди. Бунда бир бутун ҳаракат доирасида ўрганилаётган муаммога нисбатан турлича нуқтаи назарларга эга бўлиш талаб этилади. Агар улардан ҳар бири яхлитликка даъво қилса, кўзда тутилган вазифанинг ечимига эришиб бўлмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўқув жараёнинг дастлабки даврларида ўқитувчи яхлитлик, тизимлиликни таъминлашга интилиб, ўз тажрибаларини болаларга бир бутун ҳолда тақдим этади. Ўзаро муносабатларни бундай ташкил этиш орқали уларнинг тарқоқ ҳолдаги нуқтаи назарларини мувофиқлаштириш вужудга келади.

Ҳамкорликдаги фаолиятда ҳаракатларни бундай тарзда тақсимлаш усули ҳар бир боланинг муайян мавқеини эгаллашига имконият яратади. Бундай вазиятда бола учун умумий ҳаракатларнинг муайян йўналиши очилади. Бу, ўз навбатида, ўқув ҳамкорлигини ташкил этишнинг ижобий усули ҳисобланади. Бундай педагогик жараёнда бола ўз-ўзини кашф қилиши, мустақил ҳаракатланишга муваффақ бўлиши ҳамда ўқув мунозарасига киришиши мумкин. Худди мана шу тарих баҳс-мунозарага асосланган ўқув вазияти вужудга келади. Мазкур вазият болаларнинг муаммога нисбатан турли даражадаги нуқтаи назарларини аниқлаш мақсадида ташкил этилади. Бу жараёнда ҳамкорликдаги ҳаракатнинг мантикий асослари ойдинлашади, болаларнинг биргаликдаги ҳаракат давомида амалга оширадиган турли кўникмалари мувофиқлаштирилади, умумий ўқув ҳаракатларини бажариш учун қулай дидактик вазият вужудга келади.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, синфдошлар орасидаги ўқув муносабатларини зиддиятсиз муносабатлар сифатида баҳолаш мумкин эмас. Тахлилий фаолият ҳамкорлик жараёни орасидаги узилишларда вужудга келади. Шунинг учун ҳам болалар гуруҳининг тахлилий қувватларини тўплаш учун зиддиятлар, бўлинишлар асосида ишлаш талаб этилади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга кураимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-488 бет.
2. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси.-Тошкент: фан ва ахборот технологиялари, 2017.-178 бет.
3. Айдарова Л.И. Деятельность школьника. М: Просвещение, 1990. –С. 47-78.
4. Асмолов А.Г. Психология личности. –Изд-во Моск. ун-та, 1990. – 367 с.
5. Беруний Абу Райхон //Педагогика тарихи. А.Зунунов таҳрири остида.- Тошкент: Маънавият, 2008.-278 б.
6. Виготский Л.С. Мышление и речь: Соб. соч. –Т. 2. –М., 1982. – 387 с.